


Умнатнинг Набий алайҳиссаломдан кейинги энг афзал шахси



16:21 / 17.01.2023 1446

У киши иймонда аввали бўлди!

У киши тасдиқлашда ягона бўлди!

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаси бўлди!

У киши умматга энг раҳмли, сиддиқ, сахий зот!

У киши уммат ичидан жаннатга биринчи кирувчи зот!* (ҳадис)

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун суҳбатини ва молини сира ҳам аямаган зот.

У киши Аллоҳнинг ҳалилига биродар ва соҳиб бўлган зот.

У киши Ислом умматининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг афзал шахси бўлган зот!

У киши саҳобаи киромлар ичидаги энг илмли ва зеҳни ўткир бўлган зот!

Масжидга кирадиган эшиклардан у кишининг эшигидан бошқаси беркитилган зот!

У кишига озор етганда Расули Акрам алайҳиссалом ғазабланган зот!

У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан уч марта «Аллоҳ сени мағфират қилур», деган гапни эшитган зот!

У кишининг иймони ва бутун умматнинг иймони тарозига қўйилса, у кишиники оғир бўлган зот!

У киши ҳижратда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлган зот!

Ҳадис ва ҳаёт китобида шундай дейилади: «...Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу

анху одатдан ташқаридаги одамлар тоифасидан эдилар. У киши ўлимни мардлик, ҳатто хурсандчилик билан кутиб олдилар» (174-бет).

Яна у кишининг вафот саналари ҳақида қуйидаги маълумот келтирилади: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху Жумадул охир ойининг тугашига саккиз кун қолганда, сешанба куни, олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. У кишининг халифаликлари икки йил, уч ой, ўн кун давом этди».

Жанозаларини Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху ўқиганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху Оиша онамизнинг хужраларига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига кечаси дафн қилинганлар.

У кишининг бошлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг елкаларига тўғрилаб қўйилган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг қабрларига ўғиллари Абдурахмон, Умар розияллоҳу анху, Абдурахмон ибн Авф ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анхумлар тушганлар.

Жаннатга бир неча эшикдан киришни орзу қилган саҳобаларнинг пешқадамларидан бўлган Абу Бакр розияллоҳу анхуга Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Умид қиламанки, сен ўшалардан бўласан» деганлар.

Эй, жонинию молини Исломга, Набий алайҳиссаломга фидо қилган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху!

Сизга Аллоҳ таолонинг раҳмати, мағфирати, баракаси бўлсин!

Эй, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг халифаси!

Сизга салом бўлсин!

Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Қамариддин Бекмуҳаммад

16.01.2022

23-Жумадул охир, 1444-ҳижрий йил